

---

## ФАРЗАНДЛАРИНГ БИЛАН ФАХРЛАН, РИШТОН!

Кеча умумий ўрта таълим мактабларининг 8-9-синф ўқувчилари ўртасида Халқаро иқтисод олимпиадасига саралашнинг ҳудудий (вилоят) босқичи бўлиб ўтди. Олимпиаданинг вилоят босқичи ҳудудларда бир кун давом этиб ўқувчиларга 30 та тест топшириғи инглиз тилида тақдим қилинди.

Мазкур босқичда ҳар бир ҳудудда ғолиб бўлган 3 нафардан ўқувчилар олимпиаданинг Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди. Риштон тумани 27 -умумий ўрта таълим мактаби 9 - "Ж" синф ўқувчиси Сарвиноз Алижонова вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаб Республика босқичига йулланма олди.

Олимпиаданинг Республика босқичи ғолиблари 2022-йилнинг август ойида Хитойнинг Сучжоу ва Шанхай шаҳарларида ўtkазиладиган Халқаро иқтисод олимпиадаси (IEO)да иштирок этиши режалаштирилган.

2022-03-28 09:05:45